

«ТАСДИҚЛАНГАН»

"NAVOIY EIZ DIREKSIYASI" AJ
Кузатув Кенгаши умумий йиғилишининг
2019 йил 07 октябрдаги
1-сонли қарори билан

**«Навоий эркин иктисодий зонаси
Дирекцияси» акциядорлик жамиятининг**

**«ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА» ГИ
НИЗОМИ**

Навоий - 2019 йил

МУНДАРИЖА

- 1. Умумий қоидалар**
- 2. Жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш) ва ваколатини тугатиш**
- 3. Жамият Бош директорининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари**
- 4. Жамият Бош директорининг жавобгарлиги**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Навоий Эркин Иқтисодий Зонаси Дирекцияси» акциядорлик жамиятининг (матн бўйича «жамият») ижроия органи мақомини белгилайди ва унинг ишини, Бош директорини сайлаш, шунингдек унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади ва унинг ваколатлари жамият уставида, у билан тузилган меҳнат шартномада ва мазкур низомда белгиланади.

1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Агар жамият уставида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, тузилаётган шартнома шартларини тасдиқлаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

1.4. Мазкур низом АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ги ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1996 йил 26 апрель кунидаги 223-1-сонли ҚОНУНИ ва “Навоий ХЭТК” АЖнинг уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. ЖАМИЯТ БОШ ДИРЕКТОРИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТИНИ ТУГАТИШ

2.1. Жамият бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади (тайинланади).

2.2. Бош директорни сайлаш (тайинлаш) хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

Акциядорларнинг вакили бўлган бош директор бош директорни сайлашда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

2.3. Бош директор лавозимга номзод жамиятга ўзининг жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.

2.4. Бош директор лавозимига у ёки бу номзодни тавсия этишда кузатув кенгаши раиси меҳнат шартномасини тузиш шартлари, тўланадиган ҳақ (иш ҳақи, мукофот пуллари, рағбатлантириш, устамалар ва ҳаказо) миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган меҳнат шартномасини тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

2.5. Жамият бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан сайланади (тайинланади).

2.6. Жамият бош директори лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиляётганда акциядорлар умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.

2.7. Жамият бош директори лавозимига номзод сайлангандан (тайинлангандан) сўнг кузатув кенгаши жамият бош директори мажбуриятларини бажариш юзасидан у билан меҳнат шартномасини тузади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Шартнома бир йил муддатга тузилади ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият бош директори билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.8. Жамиятнинг бош директорига тўланадиган иш ҳақи миқдори шартномада белгиланган бўлиши керак.

Ижроий органга тўланадиган рағбатлантириш тўлови миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207–сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

2.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши бош директор билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

2.10. Акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши жамият бош директори билан тузилган шартномани, агар у жамият

уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.11. Бош директор билан тузилган шартномани тугатиш (бекор қилиш), шу жумладан муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.12. Жамият бош директори билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.13. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият директори ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият директорининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият директорнинг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

2.14. Бош директорнинг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият директорининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек жамият директорини сайлаш масаласини ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

3. ЖАМИЯТ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ (ҲУҚУҚЛАРИ) ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бош директорнинг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, жамият уставида, мазкур низомда ҳамда у жамият билан тузадиган шартномада белгиланади.

3.3. Жамият Бош директори қуйидаги ваколатларга (ҳуқуқларга) эга:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

- жамият номидан ишончномаларни бериш;
- ўз ваколатлари доирасида, жамият номидан битимлар тузиш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- жамият филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- жамият ваколатхоналари ва филиаллари бажариши мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- штатларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
- жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- жамият таркибига кирган корхоналар бошқарув органларида жамият вакиллари жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;
- жамиятнинг бизнес-таваккалчиликларини ва ижроия органи жавобгарликларини суғурта қилиш.

Жамият бош директори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, жамият устави ва жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга (ҳуқуқларга) ҳам эга.

3.4. Жамият бош директори қуйидаги мажбуриятларга эга:

- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва жамият аудитори талабига кўра қонунчиликда белгиланган тартибда жамият ҳужжатларини тақдим этиш;
- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- ўзининг, шунингдек жамиятнинг бошқа мансабдор шахсларини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда қатнашиши орқали маласини оширишни таъминлаш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;
- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш.

Жамият бош директори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, жамият устави ва жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

3.5. Жамият бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

3.6. Бош директор ишда бўлмаган вақтда (меҳнат таътилида ва хизмат сафарида бўлганда, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврида ва бошқа ҳолларда) бош директор вазифалари ва мажбуриятларини жамиятнинг эксплуатация ва техник масалалар бўйича Директор (бош мухандис) амалга оширади.

4. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Жамият бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

4.2. Жамият бош директори ўз иш фаолияти даврида жамиятининг маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бош директор жамиятда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида жамияти кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

4.3. Жамият бош директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда жамият олдида жавобгардир.

4.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг бош директори устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.